

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАМАЖАНОВ БОХАДИРЖОН СОЛИЖОНОВИЧ

**КЕКСА ВА КАТТА ЁШДАГИ БЕМОРЛАРДА БЕЛ УМУРТҚАЛАРИ
ОСТЕОХОНДРОЗИНИ КОМПЛЕКС ХИРУРГИК ДАВОЛАШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мамажанов Бохадиржон Солижонович

Кекса ва катта ёшдаги беморларда бел умуртқалари остеохондрозини
комплекс хирургик даволаш..... 3

Мамажанов Бохадиржон Солижонович

Комплексное хирургическое лечение поясничного остеохондроза у
лиц пожилого и старческого возраста..... 19

Mamajanov Bohadirjon Solijonovich

Complex surgical treatment of lumbar osteochondrosis in elderly and
senile patients 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАМАЖАНОВ БОХАДИРЖОН СОЛИЖОНОВИЧ

**КЕКСА ВА КАТТА ЁШДАГИ БЕМОРЛАРДА БЕЛ УМУРТҚАЛАРИ
ОСТЕОХОНДРОЗИНИ КОМПЛЕКС ХИРУРГИК ДАВОЛАШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib224 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzniito.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Худайбердиев Кобил Турсунович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Крутько Александр Владимирович тиббиёт фанлари доктори (Россия Федерацияси) Шатурсунов Шохайдар Шоалиевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.02.2018.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Ж. Азизов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.М. Рустамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

И.Ю. Ходжанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бел умуртқалари остеохондрози энг кўп тарқалган таянч-ҳаракат тизимининг дегенератив-дисрофик касаллиги ҳисобланиб, «катта ва кекса ёшли аҳолининг 80% дан кўпроғи бел оғриғи туфайли азият чекади»¹. Ушбу касаллик стационар даволанишга муҳтожлик жиҳатдан оғриқ бўйича мурожаат қилувчи беморларнинг ҳар учинчисида учрайди. Консерватив ва хирургик даволаш усуллариининг ривожланишига қарамай, беморларда «ҳаёт сифатининг ёмонлашиши ҳамда ногиронликнинг ортишига олиб келувчи асоратлар ва қоникарсиз натижалар сони анча юқори»². Бу эса вертеброген касалликлар билан боғлиқ бўлган иктисодий йўқотишларнинг беҳисоблигини кўрсатади.

Жаҳонда кекса ва катта ёшли кишиларда бел умуртқалари остеохондрозини жарроҳлик йўли билан юқори самарали даволашга эришиш мақсадида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Умуртқа канали стенози, спондилоартрозларини даволашда декомпрессияловчи ламинэктомия ягона танлов операцияси бўлиб қолмоқда; стабилловчи, декомпрессив-стабилловчи жарроҳлик услублари такомиллаштирилмоқда. Диск чуррасини олиб ташлаш билан бирга бажариладиган умуртқа ламинэктомияси ва гемиламинэктомияси, ламинотомия, декомпрессияловчи-пластик жарроҳлик усуллариини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар бу турдаги жарроҳлик амалиётларини бажаришда оддийлик, инвазивлик ва даволаш самарадорлигига эришишга сабаб бўлмоқда. Операцияларнинг бажарилишида бўғим ўсимталарини резекция қилиш; олиб ташланган диск ўрнида аутодерма ва ҳаракатчан протезлар ўрнатиш масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Трансплантат сифатида металлоимплантлар, кейджлар ва суяк бўлакчаларидан фойдаланиш, орқа ва олд фораминотомия усуллариини қўллаш усуллари ишлаб чиқилмоқда. Бинобарин, умуртқанинг патологик ўзгаришлари ҳажми ва характерини баҳолашда оғриқ синдромининг етакчи сабабини аниқлаш, шунингдек, жарроҳлик амалиётининг оптимал услубини танлашда кўпгина муаллифлар фикрларида қарама-қаршиликлар ҳанузгача давом этиши муаммонинг долзарблигини таъкидлайди.

Республикаимизда кекса ва катта ёшли кишиларда бел умуртқалари остеохондрозини жарроҳлик йўли билан даволаш, декомпрессияловчи ламинэктомия, гемиламинэктомия, интерламинар дискэктомия, транспедикуляр фиксация усуллариини қўллаш, лавсанопластика, вертебропластика услубларини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотлар бажарилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг

¹ Щербакowa E.M. Старение населения и устойчивое развитие / Демоскоп Weekly, 2016.- № 709-710. <http://demoscope.ru/weekly/2016/0709/barometer709.pdf>

² Симонович A.E., Козлов Д.М. Дегенеративно-дистрофические поражения поясничного отдела позвоночника и их хирургическое лечение у лиц пожилого и старческого возраста // Хирургия позвоночника, 2006.- №3.-С.52-58.

камровли ишлар олиб борилиб, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида «аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд катламларини ижтимоий химоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб қувватлаш»³ вазифалари белгиланган. Бу борада кекса ва катта ёшдаги беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, эрта даврда ташхислаш ва хирургик даволашнинг янги усулларини такомиллаштириш ёрдамида даволаш натижаларини яхшилаш, асоратларни камайтириш ва беморлар саломатлигини мустахкамлаш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 7 декабридаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 12 июндаги ПҚ-3052-сон «Соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий тиббиёт амалиётида катта ва кекса ёшдаги беморларни даволаш алоҳида ижтимоий ва тиббий аҳамиятга эга (Антипко Л.Э., Яхъяева Т.А., 2012, Корж Н.А., Продан А.И., Барыш А.Е., 2004). Бу муаммонинг долзарблиги шундаки, патологияни адекват баҳолашда, табиий инволютив ўзгаришлардан уни ажратишнинг мураккаблиги ва ривожланган касалликни даволашда оптимал усулларни танлаш ҳисобланади (Корж Л.Л., Хвисяк И.И., Грунтовский Г.Х., Маковоз Е.М., 2012). Катта ёшдаги кишиларда оператив даволаш хавфи баландлигини ҳисобга олиш керак. Ҳанузгача бел умуртқаси соҳасидаги дегенератив касалликларни даволаш усулини танлашда, асосан, катта ва кекса ёшдаги беморларда ягона фикр йўқ. Ҳозирги вақтда умуртқанинг дегенератив шикастланишини жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича кўплаб услубий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилган (Абдуразаков А.У., Есмембетов И.Н. 2003, Коркунов А.Л. 2010).

Кўпгина муаллифлар катта ва кекса ёшдаги кишиларда умуртқанинг шикастланиши стенозлаш характерида эканлигини, шунга боғлиқ ҳолда декомпрессия характеридаги операция методикаси кенг тарқалганлиги маълум. Бу турдаги жарроҳлик амалиётлари, уларнинг бажарилишидаги

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

оддийлик, кам инвазивлик ва даволашнинг ижобий натижаларига сабаб бўлади. Ҳозирги кунгача катта ва кекса ёшдаги беморларда умуртқа сегментига жарроҳлик амалиётлари кераклиги ҳақида ягона фикр мавжуд эмас (Брехов А.Н., 2002, Shunji Matsunaga, 2000, Jönsson B., 2000).

Умуртқанинг дегенератив-дистрофик жараёни, умуртқа танаси, умуртқалараро диск фаолиятининг бузилиши, унинг компоненти тоғай моддалар биосинтезининг бузилиши сабабли юз беради (Мусалатов Х.А., Силин Л.Л., Аганесов А.Г., 2004). Унинг морфологик намоён бўлиши дастлаб умуртқалараро дискда ўз аксини топади.

Умуртқалараро дискнинг микромолекуляр архитектоникаси бузилиши унинг биокимёвий сифатини пасайтиради, сўнгра бу жараёнга дегидратация туфайли юзага келувчи аутоенсибилизация жараёни кўшилади. Аутоенсибилизация жараёнининг ривожланиши умуртқалараро дискда дегенератив-дистрофик жараённи кучайтиради. Маълумки, умуртқалараро дискнинг мустаҳкамлиги ва эластиклиги унинг таркибидаги глюкозоаминогликанларнинг мавжудлигига боғлиқ (Миронов С.П., Ветрилэ С.Т., Космиади Г.А., Швец В.В. 2007, Симонович А.Е. 2004). Глюкозоаминогликанлар умуртқалараро дискнинг гидрофиллигини таъминлайди.

Дегенератив-дистрофик (Попелянский Я.Ю. 2005) жараённинг намоён бўлиши унинг озиклантирувчи қон-томирлардаги атеросклеротик жараён билан боғлиқ. Умуртқалараро дискнинг таркибий қисми ҳисобланган пульпоз ядро атрофидаги бириктирувчи тўқима толаларининг ўзгариши унинг патологик силжишига бевосита сабабчидир. Шу сабабли беморларда дастлаб люмбаго, люмбоишалгия каби клиник кўринишлар юзага келади.

Республикамизда олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, бел умуртқа канали стенознинг барча патогенетик аспектларини ҳисобга олмасдан бажарилган операциялар самараси 40%дан камдир (Шотурсунов Ш.Ш., Кочкартаев С.С., 2010). Умуртқанинг патологик ўзгаришлари ҳажми ва характерини баҳолашда оғриқнинг етакчи сабабини аниқлаш, шунингдек, жарроҳлик амалиётларини оптимал методикасини танлашда кўпгина муаллифлар фикрларида қарама қаршиликлар мавжуд бўлиб қолмоқда (Қурбанов Н.М., Худайбердиев К.Т., Хамидов М.Ш., 2001).

Диссертация ишининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.9.10006321 «Умуртқалар хасталиқларини жарроҳлик услубда даволаш» (2015-2018 йиллар) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади катта ва кекса ёшдаги беморларда умуртқа поғонасида кечадиган инволютив ва дегенератив жараёнларни инобатга олган ҳолда бел умуртқалари остеохондрозини хирургик даволаш тактикасини ишлаб чиқиш орқали даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

катта ва кекса ёшдаги беморлар бел умуртқалари остеохондрозининг клиник кўринишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳамда дегенератив ва инволютив жараёнларни инструментал усуллар ёрдамида фарқлаш;

катта ва кекса ёшдаги беморларда бел умуртқалари остеохондрозини даволашда МРТ ва рентгенологик белгиларнинг аҳамиятини ўрганиш;

катта ва кекса ёшдаги беморларда бел умуртқалари остеохондрозини даволашда амалиётда фойдаланиладиган жарроҳлик услубларини қўллаш ва уларга кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

катта ва кекса ёшдаги беморларда бел умуртқалари остеохондрозини даволашда қўлланилган жарроҳлик услубларини натижаларини ўрганиш ва самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кекса ва катта ёшли кишиларда бел умуртқалари остеохондрози ташхиси билан 2005-2018 йиллар даврида Андижон давлат тиббиёт институти клиникасида даволанган 118 нафар бемор олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кекса ва катта ёшдаги кишиларда бел умуртқалари остеохондрозига ташхис қўйиш ва клиник неврологик белгиларини ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, текшириш ҳамда хирургик даволаш услубларини қўллаш натижалари олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотни бажариш давомида беморнинг неврологик статусини тўлиқ ёритиш, рентгенологик ва МРТ текшириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

катта ва кекса ёшдаги беморларда бел умуртқалари остеохондрозининг клиник кўриниши ва патогенезининг ўзига хос хусусиятини ўрганиш асосида дегенератив жараённинг «ўтиб борувчи каудал оқсоқлик» синдроми ва кучайиб борувчи дегенератив стеноз ҳолати эканлиги аниқланган;

катта ва кекса ёшдаги беморларнинг умуртқа равоқларини ва бўғим ўсиқларини иккиламчи гипертрофияга учраши сабабли бўғим боғлов функциясини бузилиши ривожланиши исботланган;

катта ва кекса ёшдаги беморларда рентгенологик ва МРТ маълумотларига хос бўлган бел умуртқалари остеохондрозининг клиник кўринишлари аниқланган;

катта ва кекса ёшдаги беморларда ўтказиладиган жарроҳлик услубларига сурункали, қайталанувчи ва сурункали-қайталанувчи шаклларино инобатга олган ҳолда кўрсатмалар таклиф этилган;

ташрих жараёнида юмшок тўқималарни иккиламчи жароҳатланишини олдини олиш ва жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда мушакларда иккиламчи чандиқлар бўлишини ҳамда реффлектор оғриқ синдромини ҳосил бўлишини камайтириш учун ретрактор (жароҳат кенгайтиргич) таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

катта ва кекса ёшдаги беморлар бел умуртқалари остеохондрозининг клиник манзарасини ўзига хос хусусиятлари ўрганилган ва инволютив жараёндан фарқи аниқланган;

катта ва кекса ёшдаги беморларда бел умуртқалари остеохондрозини жаррохлик услубда даволаш учун ишлаб чиқилган кам инвазивли жаррохлик услублари ва уларга алоҳида кўрсатмалар таклиф этилган;

юмшоқ тўқималарнинг иккиламчи жароҳатларини ва кўпол чадикларни олдини олиш ишлаб чиқилган ретракторни қўллаш орқали тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги неврологик статусни тўлиқ ёритиш, бел соҳасини рентгенологик ва МРТ текшириш усуллари билан тасдиқланган. Олинган барча натижа ва хулосалар далилий тиббиёт принципларига ва статистик ишлов бериш хулосаларига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти ўтказилган текшириш усуллари натижалари асосида кекса ва катта ёшдаги беморларда кечувчи инволютив ва дегенератив жараёнларни юқори даражада фарқлаш ва уларга оптимал патогенетик даво чоралари танлаш имкониятини бериши билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти кекса ва катта ёшдаги беморларда жаррохлик амалиёти олди тайёргарлигининг ўзига хослиги, микрожаррохлик характерига эга кам инвазив операция услубларини қўллаш натижасида бел умуртқалари остеохондрозини жаррохлик усуллари билан даволашда операция қилинган умуртқа сегментларининг ортопедик сифатини тўлиқ сақлаб қолишга эришиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Катта ва кекса ёшдаги беморларда бел умуртқалари остеохондрозини комплекс даволаш орқали даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Кекса ва катта ёшдаги кишиларда бел остеохондрозини хирургик даволашни оптимизациялаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 27 декабрдаги №8н-р/380-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсияларни амалиётга қўллаш беморларни даволашдан кейинги даврларда ўрганишда, уларнинг клиник-функционал ҳолатини кундалик ҳаёт фаолиятига боғлиқ ҳолда баҳолаш, бошқа кўшимча текшириш ва даволаш услубларига эҳтиёж бор ёки йўқлигини таҳлил қилишни, беморлар ҳолатини баҳолашни ташкиллаштиришга ҳамда даволаш натижаларини ўрганишни осонлаштиришга имкон берган;

кекса ва катта ёшдаги кишиларда бел остеохондрозини хирургик даволашда «L4-L5 умуртқалараро диск чуррасини олиб ташлашда яра кенгайтиргич», «L5-S1 умуртқалараро диск чуррасини олиб ташлашда яра кенгайтиргич» тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 27 декабрдаги №8н-р/380-сон маълумотномаси). Ушбу яра кенгайтиргичлар

юмшоқ тўқималарнинг камроқ жароҳатланишини таъминлаш ва хирургик амалиётни ўтказишни осонлаштириш имконини берган;

кекса ва катта ёшдаги беморларда бел остеохондрозини комплекс жаррохлик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича бажарилган диссертация натижалари амалий тиббиёт фаолиятига, жумладан, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси, Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасининг травматология ва нейрожаррохлик бўлимлари ва Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси травматология-ортопедия ва нейрохирургия бўлими фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 27 декабрдаги №8н-р/380-сон маълумотномаси) тадбиқ этилган. Олинган натижалар ўтказилган жаррохлик муолажаларининг узок муддатлардаги салбий натижалари 97,8% га камайгани ва реабилитация муддатлари 6 ойдан 1 ойгача қисқартирилгани таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 таси халқаро ва 7таси республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8та илмий мақола, жумладан 3таси хорижий, 5таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети ёритилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Катта ва кекса ёшдаги беморларда бел умуртқалари остеохондрозини жаррохлик йўли билан даволашга бўлган замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи боби кекса ва катта ёшдаги кишиларда бел остеохондрозини ривожланиши, уларга ташхис қўйиш ва хирургик даволашга замонавий қарашларнинг халқаро адабиётларда ёритилишига ва уларни таҳлил қилишга бағишланган. Касалликнинг эрта босқичларида ташхис қўйиш ва даволаш тактикасини танлашда қўшимча текшириш услублари, хусусан, клиник неврологик белгиларининг ўзига хослиги, аҳамияти, мавжуд муаммолар атрофлича ўрганилган. Катта ва кекса ёшдаги беморларда бел умуртқалари остеохондрози кўринишининг этиологияси ва патогенезига алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, бел умуртқа каналининг стенозини клиник намоён бўлиши ва ташхисланиши, хирургик даволаш услубларини касалликнинг босқичларига мос равишда

танлаш ва касалликнинг хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган даволаш услублари ўрганилган.

Диссертациянинг «**Клиник материал тавсифи ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида илмий изланишга киритилган, кекса ва катта ёшдаги кишиларда бел умуртқалари остеохондрози ташхиси билан даволанган 118 нафар беморнинг умумий тавсифи, ўтказилган клиник-функционал ва инструментал текшириш усуллари ҳақида маълумотлар берилган. Барча беморлар 2005-2018 йиллар давомида Андижон давлат тиббиёт институти клиникасида даволанган. Беморларнинг ёши 60 ёшдан бошлаб 92 ёшгача бўлиб, жами 118 нафар бемордан 66 нафарини (55,8%) эркаклар ва 52 нафарини (44,2%) аёллар ташкил қилди.

Беморларда касаллик давомийлиги 1 ойдан то 10 йилгача бўлган фарқни кўрсатди. 24 беморда касаллик давомийлиги 6 ой, 17 беморда 1 йил, 57 беморда 4 йилни ташкил қилди ва 20 беморда 4 йилдан ортиқ давом этган.

Кузатувдаги беморлар бел умуртқаси остеохондрозининг клиник кўриниши характерига кўра 3 гуруҳга ажратилди: сурункали; қайталанувчи; сурункали қайталанувчи клиник кўринишлар.

Касалликнинг клиник кўринишлари турларига боғлиқ бўлмаган ҳолда бошқа ёш гуруҳларида учрамайдиган, катта ва кекса ёшдаги беморлар остеохондрозининг характерли белгиларини аниқлаб, дифференциал диагностика олиб бориш ва уларни тўғри баҳолаш имкониятини яратиш зарурияти инобатга олинди. Гериатриянинг ўзига ҳос хусусиятлари бўлмиш касалликнинг атипик, яширин, ниқобланган клиник кўринишларининг мавжудлигига кўра беморларда остеохондрознинг клиник кўринишлари турлари йиллар бўйича тақсимланди.

Беморларни ортопедик-неврологик кузатиш натижасида неврологик белгилар бел умуртқалари остеохондрози натижасида пайдо бўлиши ва уларга боғлиқлиги аниқланди. Касалликнинг клиник белгилари ва рентгенологик топилманинг боғлиқлигини тасдиқлаш учун олиб борилган рентгенологик текширувлар муҳим амалий аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, биз ҳамма беморларни текширувнинг рентгенологик усулларида фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди. Рентгенологик маълумотларни ойдинлаштириш учун катта ва кекса ёшдаги беморлар бел умуртқалари остеохондрозининг рентгенологик белгилари ва инволютив жараённинг кўп учрайдиган симптомлари алоҳида таҳлил қилинди.

Амалиётда инволютив жараёнга ҳос рентгенологик белгиларни, шунингдек, дегенератив-дистрофик ўзгаришларга ҳос ўзгаришларни билиш мақсадида кузатилаётган 118 нафар беморларда бел умуртқасининг рентгенологик кўринишлари ўрганилди, уларнинг умумий ва у ёки бу жараён белгиларига ҳос мажмуаси таснифланди.


Замонавий текшириш усуллариининг тиббиёт амалиётига тадбиқ қилиниши диагностика даражасини сезиларли тарзда кўтарди, касалликларга аниқ ташхис қўйиш ва ўзгаришларни аниқлаш имконини берди. МРТ текшириш усули юқори ташхислаш имкониятига эга бўлиб, умуртқа канали

ҳосиласини тўлақонли ўрганиш имконини яратди. МРТ текширувида диск чурралари жойлашиш ҳолатлари таҳлили умуртқанинг бир ёки бир неча дискларининг нормал ва патологик ҳолатини тўлиқ тушунтиришга имкон берди. Жарроҳлик амалиётига қадар барча беморларда чурра асоратларини ўрганиш умуртқа канали патологик ўчоғининг умумий ҳажмини, фронтал ва аксиал текисликда % муносабатида шикастланиш даражасини аниқ ташҳислаш ҳамда уларга асосланган кўрсатмалар билан кичик ҳажмли операцияларни амалга оширишга имкон беради.

Беморларни ортопедо-неврологик ва инструментал текшириш натижалари статистик таҳлили Генес жадвали кўрсатмаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Шунга кўра, симптомлар ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун кўрсатмалар сони 20 тадан кам бўлмаслиги лозим. Бу симптомларни кузатиш чегараси $\pm 0,5\%$ ни ташкил қилди. Келтирилган маълумотлар катта ва кекса ёшдаги беморлар бел умуртқалари остеохондрозини жарроҳлик йўли билан даволашни илмий асослаш имконини беради.

Диссертациянинг «**Катта ва кекса ёшдаги беморларда бел остеохондрозини жарроҳлик йўли билан даволаш услубларини қўллаш натижалари**» деб номланган учинчи боби тадқиқотга киритилган беморларда ўтказилган оператив даволаш усуллари ва унга кўрсатмаларни аниқлашга бағишланган. Беморларни оператив давога тайёрлаш ва унинг босқичлари ва даволаш натижалари ушбу бобнинг асосий мазмуни ҳисобланади.

Диагностик текширув ва клиник-неврологик маълумотлар асосида 118 нафар беморда қуйидаги жарроҳлик амалиётлари ўтказилди (1-расм). Ҳар бир қўлланилган жарроҳлик усуллари компрессияловчи омил моҳияти ва амалиётнинг мақсад ҳамда вазифаларини ҳисобга олиб, махсус кўрсатма асосида амалга оширилди.



1-расм. Ўтказилган жарроҳлик амалиётлари турлари: а) аркотомия + дискэктомия + фораминотомия; б) гемиламинэктомия + дискэктомия + фораминотомия + илдиз каналлари декомпрессияси + лигаментэктомия; в) кенгайтирилган гемиламинэктомия + дискэктомия + фораминотомия + илдиз каналлари декомпрессияси + лигаментэктомия.

Кузатувдаги 118 нафар беморнинг 87 нафарида аркотомия усули билан жаррохлик амалиёти бажарилди ва бунга қуйидаги кўрсатмалар ишлаб чиқилди (1а-расм):

бел умуртқалари остеохондрозининг клиник кўриниши + диск чурраси + сариқ боғлам гипертрофияси, орқа мия илдизча компрессияси;

умуртқалараро диск чурраси + орқа мия илдизча компрессияси + спондилоартроз;

умуртқалараро диск чурраси, унинг латерал тури + илдизча канали стенози + спондилоартроз;

умуртқалараро диск чурраси + сариқ боғлам гипертрофияси + орқа бўйлама боғлам гипертрофияси + спондилоартроз.

Беморларда амалга оширилган гемиламинэктомия услубига қуйидаги алоҳида кўрсатмалар ишлаб чиқилди (1б-расм):

бел умуртқалари остеохондрозининг қайталанувчи клиник тури, диск чуррасининг секвестрланган ҳолати + сариқ боғлам гипертрофияси + спондилоартроз;

умуртқалараро дискнинг парамедиал жойлашиши + орқа бўйлама боғлам гипертрофияси + илдизча канали стенози + спондилоартроз;

бел умуртқа канали стенози билан биргаликда бел умуртқалари остеохондрози + диск чурраси + спондилоартроз.

Кузатувимиздаги 118 нафар беморнинг 16 нафарида эса кенгайтирилган гемиламинэктомия амалиёти амалга оширилди ва қуйидаги алоҳида кўрсатмалар ишлаб чиқилди (1в-расм):


бел умуртқалари остеохондрозининг сурункали ва қайталанувчи клиник тури + бел умуртқа канали стенози + диск чурраси + спондилоартроз;

бел умуртқалари спондилоартрози + асоратланган диск чурраси + сариқ боғлам, орқа бўйлама боғлам гипертрофияси.


Юмшоқ тўқима ва скелетланган паравертебрал мускулларни узоқ ушлаб туриш учун операция жараёнида операциядан кейинги жароҳатни қўпол чандиқларсиз битишини тезлатиш ва қон-томирлар шикастланишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги кўринишдаги яра кенгайтиргич ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга тадбиқ этилди. Тавсия қилинган яра кенгайтиргич парраги тоза металл пластинкадан иборат бўлиб, паравертебрал мускул ва юмшоқ тўқималарни механик скелетлаштиришда юмшоқ тўқима ҳамда томирлар атрофини шикастланишига тўлиқ йўл қўймайди. Универсал яра кенгайтиргич зангламайдиган пўлатдан тайёрланиб, паравертебрал жойлашган юмшоқ тўқимани узоқ ушлаб қолишга мўлжалланган. Яра кенгайтиргич катта ёшдаги кишиларда қўллаш учун тавсия қилинган тиббиёт ускуналари талабларига тўлиқ мос келади (2-расм).

Тери ва тери ости тўқималарни кесгандан сўнг умуртқанинг юмшоқ тўқималари ва апоневроз очилади. Умуртқа ёнидаги мускуллар умуртқа равоғи ва қиррасимон ўсиқлардан ўткир ҳамда ўтмас усуллар билан

скелетланади. Скелетланган паравертебрал мускулларни узоқ ушлаб туриш учун яра кенгайтиргич парраги паравертебрал мускул ва қиррасимон ўсиқлар ўртасига киритилади. Яра кенгайтиргичнинг махсус винти операция мобайнида керакли ҳолатда паррак (кафти, қаноти, кураги) билан ушлаб турилади (3-расм).



2-расм. L4-L5 умуртқалараро диск чуррасини олиб ташлашда қўлланиладиган яра кенгайтиргич (ретрактор)



3-расм. L5-S1 умуртқалараро диск чуррасини олиб ташлашда қўлланиладиган яра кенгайтиргич (ретрактор)

Тавсия этилган яра кенгайтиргични қўллаш юмшоқ тўқима атрофи шикастланишининг олдини олади ва операциядан кейинги жароҳатни қўпол чандиқсиз битишини тезлашишига имкон яратди.

Кузатувимиздаги 118 нафар беморнинг ҳаммаси операциядан олдин синчиклаб текширилди, операцияга тайёрланди ва кетма-кетликда операциядан кейинги реабилитацион даволаш курсларидан ўтди.

Катта ва кекса ёшдаги беморларнинг операциядан олдинги реабилитацион даври бел умуртқалари остехондрози билан беморларни комплекс даволашнинг зарурий таркибий қисми ҳисобланади. Операциядан

олдинги даврда беморда жадал оғриқ синдроми буйрак усти фаолиятининг бузилиши, коронар қон-томирларида давомий спазмнинг пайдо бўлиши, гиповолемия, уйқусизлик билан боғлиқ руҳий эмоцияларнинг кўзғалиш каби ҳолатларда тез-тез кузатилди. Кузатувимиздаги 118 нафар беморнинг ҳаммаси терапевт (зарурат бўлганда бир неча марта), шунингдек, анестезиолог томонидан текширилди. Йўлдош касалликлар аниқланишида ўз вақтида мос дори воситалари билан даво тавсия қилинди. Операция олди тайёргарлигида ҳамма беморлар билан суҳбатлашилди, уларга операция пайтида қоринга ётган ҳолатда бўлишлари кераклиги тушунтирилди. Шу боис кунда 4-6 марта 30-40 дақиқа давомида қоринга ётган ҳолатда бўлиш машқ қилинди. Мазкур машқларнинг мақсади шуки, нафас аъзолари ва юрак қон-томир тизимини шундай оғирликка мослаштириш бўлди. Шундай операция олди тайёргарлик натижасида беморларда операция вақти ва операциядан кейинги даврда юрак қон-томир фаолияти ҳамда нафас аъзолари фаолиятида ўзгаришлар кузатилмади.


Кузатувимиздаги 118 нафар бемордан 7 нафариди (5,9%) семизликнинг 2-3 даражаси (ортикча вазн) туфайли жарроҳлик амалиёти ва оғриқсизлантириш усулига маълум талаблар пайдо бўлди. Диафрагмага қорин бўшлиғи аъзоларининг босилиши таъсирида қорин ичи босимининг ошиши туфайли бу беморларни қоринга ётган ҳолатда амалиёт ўтказиш хавфли бўлди, чунки ўпка экскурсиясининг чегараланганлиги натижасида нафас фаолиятини жиддий оғирлаштириши мумкин. Буларнинг барчаси ўткир юрак қон-томир ва нафас етишмаслигининг сабаби бўлиши мумкин. Шу боисдан уларда операциялар ёнбошга ётқизилган ҳолатда бажарилди.

Диссертациянинг **«Катта ва кекса ёшдаги беморларда бел умуртқалари остеохондрозини жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари таҳлили»** деб номланган тўртинчи боби даволаш натижалари таҳлилига бағишланган.

Микрожарроҳлик характерига эга каминвазив операция усулларини қўллаш натижасида катта ва кекса ёшдаги беморлар бел умуртқалари остеохондрозини жарроҳлик усуллари билан даволашда операция қилинган умуртқа сегментларининг ортопедик сифатини тўлиқ сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. Операциядан кейинги эрта ва кеч даврларда умуртқа остеохондрозининг клиник-неврологик кўринишлари белгиларининг йўқолиши ва беморлар меҳнат қобилиятининг тикланиши алоҳида ўрганилди.

Беморларни операциядан кейинги эрта даврда безовта қиладиган асосий синдром оғриқ симптоми ҳисобланади. Бажарилган операцияларнинг қайси тури бўлишига қарамай, операциянинг самарадорлиги ва муҳимлиги шифокор ёрдамига мурожаат қилиш сабаби бўлган остеохондрозининг клиник белгилари йўқолиши билан баҳоланди.

Кузатувдаги 118 нафар беморнинг ҳаммасини бел ва оёқдаги у ёки бу даражадаги оғриқ симптоми безовта қилади. 28 нафар беморда оғриқ симптоми жадал бўлиб, кунига бир неча марта, 4-5 кун мобайнида оғриқ қолдирувчи дори воситаларини қабул қилган. 118 нафар бемордан 84 нафарида операциядан кейинги 1-3- кунлари бел ва оёқларда оғриқ йўқолгани кузатилди. 16 нафар беморда тезкор оғриқ камайган, аммо вақти вақти билан (кунда 2 марта) кучсиз оғриқ кузатилган, бироқ улар беморлар эътиборини ўзларига жалб қилмади ва асосан L4 илдиз иннервация зонасида кузатилди. 18 нафар беморда ётган ҳолатда оғриқни пасайгани, тана ҳолатининг ўзгаришида сон ва болдир соҳасида тез ўтувчи оғриқ кузатилди. Операциядан кейинги биринчи кунда даврий оғриқ синдромининг пайдо бўлишини ва сўнишини қуйидагича изоҳлаш мумкин (4-расм):



4-расм. Жарроҳлик амалиётидан олдинги ва кейинги даврда VAS шкаласи мезонлари бўйича оғриқ интенсивлигининг ўзгариши

- операция жараёнида, илдизчанинг тўлиқ декомпрессиясини яратишда, операциядан кейинги даврдаги давомли компрессияда илдизчанинг шишиши бўлиши мумкин (ўткинчи ҳолати). Шу сабабли беморларда эътиборни тортмайдиган кучсиз характердаги оғриқ кузатилди;

- операция жараёнида кўпинча инкор қилиб бўлмайдиган орқа мия илдизи ва орқа мия қаттиқ пардасига операциянинг травматик таъсири муҳим ўрин тутди;

- операциядан кейинги даврда кўпинча эпидурал қон-томирлар травматикага реакциялар ҳисобига кўра маҳаллий қон таъминотининг бузилиши кузатилди.

Бел умуртқалари остеохондрозини жарроҳлик усуллари билан даволаш кейин меҳнат қобилиятининг тикланиш жараёни таҳлил қилинди. Кузатувимизда меҳнат қобилиятини йўқотган беморларни 2 гуруҳга ажратилди:

- 87 нафар бемор вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган;
- 33 нафар бемор ногиронлик гуруҳи беморлари.

Биринчи гуруҳни ташкил қилган 87 нафар беморнинг 47 нафарида меҳнатга лаёқатсизлик 3 ойгача, 30 нафар беморда 3 ойдан 5 ойгача, 9 нафар беморда 5 ойдан ортиқ муддатда меҳнат қобилияти йўқолган. Диспансер кузатувидан маълум бўлишича, 87 нафар беморнинг ҳаммасида операциядан кейин 6 ой мобайнида меҳнат қобилияти тўлиқ тикланган. Бу гуруҳда 12 нафар киши касбий фаолиятини ўзгартирган, яъни енгил жисмоний меҳнат билан шуғулланишган. Ногиронлик гуруҳини 33 нафар бемор ташкил қилган. Уларнинг 12 нафари II гуруҳ, 21 нафари эса III гуруҳ ногиронлари ҳисобланган. Бу гуруҳдаги 12 нафар беморнинг 9 нафари ногиронликнинг III гуруҳига ўтказилди, 3 нафар беморда эса йўлдош касалликлар мавжуд бўлганлиги учун II гуруҳда қолдирилди.

Бел умуртқалари остеохондрозини жарроҳлик усуллари билан даволаш самарадорлигини аниқлашда 1990 йил В.П.Веселовский таснифи бўйича қуйидаги мезонлардан фойдаланилди.

яхши - беморларда мавжуд неврологик симптомларнинг тўлиқ регресс бўлиши ва уларнинг фаол ҳаёт ва меҳнат фаолиятига қайтиши;

қониқарли - неврологик белгиларининг қисман қайталаниши (люмбаго, оғриқ синдроми йилига 1 - 2 марта) ва фаол фаолиятнинг сақланиши;

қониқарсиз - иш фаолиятнинг 50% йўқолиши, мавжуд неврологик етишмовчиликларнинг тўлиқ бартараф бўлмаганлиги ва жисмоний меҳнатга лаёқатсизлик.

Юқорида кўрсатилган мезонларга асосланган ҳолда олинган натижаларни қуйидагича баҳоланди. 118 нафар беморнинг 112 нафарида яхши, 6 нафарида қониқарли натижалар олинди. Қониқарсиз натижа қайд қилинмади.

ХУЛОСАЛАР:

1. Катта ва кекса ёшдаги беморлар бел умуртқалари остеохондрозининг клиник кўриниши кўп ҳолатларда умуртқа каналининг орттирилган стенози билан биргаликда кечиб, турғун оғриқ синдроми ва ҳаракатнинг чегараланишига сабаб бўлади. Оғриқ синдроми интенсивлиги ўртача ифодаланган бўлиб, аниқ чегара билмайди, асосан, иккиламчи ишемик ўзгаришлар ҳисобига пайдо бўлади.

2. Бу контингент беморларда бел умуртқалари остеохондрозини ташҳислашда танланган усул МРТ текшируви ҳисобланади. У компрессияловчи омил жойлашишини аниқлаб, жарроҳлик тактикасини қўллаш ва жарроҳлик амалиёти ҳажмини олдиндан аниқлашга имкон беради ва асосланмаган ҳолда кенгайишини олдини олади.

3. Жарроҳлик йўли билан даволашда биз таклиф этган яра кенгайтирувчиларни қўллаш паравертебрал мускул ва унинг атрофидаги кон- томирлари шикастланишидан сақлайди, шунинг билан бирга жарроҳлик

усуллари билан даволашнинг самарадорлигини оширади ва юмшоқ тўқималарда операциядан кейинги даврларда оғриқ чақирувчи кўпол чандиқлар пайдо бўлишининг олдини олади.

4. Касаллик кечишини оғирлаштирувчи омилларга; йўлдош касаллик, умуртқа канали стенози, катта ва кекса ёшдаги беморларда компенсатор механизм ва остеопорозни киритиш мумкин. Операция вақтида беморларни мажбурий ҳолати билан боғлиқ асоратларни олдини олиш учун операция олди тайёргарлигига мослаштирувчи адаптация даври машқларини ўтказиш зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSC.28.02.2018.TIV.62.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ**

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

МАМАЖАНОВ БОХАДИРЖОН СОЛИЖОНОВИЧ

**КОМПЛЕКСНОЕ ХИРУРГИЧЕСКОЕ ЛЕЧЕНИЕ ПОЯСНИЧНОГО
ОСТЕОХОНДРОЗА У ЛИЦ ПОЖИЛОГО И СТАРЧЕСКОГО
ВОЗРАСТА**

14.00.22 – Травматология и ортопедия

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD)
по медицинским наукам**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2.PhD/Tib224.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.uzniito.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Худайбердиев Кобил Турсунович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Крутько Александр Владимирович**
доктор медицинских наук
(Российская Федерация)

Шатурсунов Шахайдар Шаалиевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентская медицинская академия**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2019 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.28.02.2018.Tib.62.01 по присуждению ученых степеней при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии (Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули,78. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр травматологии и ортопедии).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра травматологии и ортопедии (зарегистрирован за №_____). Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули,78. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №_____ от _____ 2019 года).

М.Ж. Азизов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

У.М. Рустамова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат медицинских наук, старший научный сотрудник

И.Ю. Ходжанов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Остеохондроз поясничного отдела позвоночника является дегенеративно-дистрофическим заболеванием, и «более 80% пожилых и старческих людей страдают от болей в пояснице»⁴. Это заболевание встречается у каждой трети пациентов с болями, обращающихся для стационарного лечения. Несмотря на развитие консервативных и хирургических методов лечения, количество неудовлетворительных результатов и осложнений, приводящие к инвалидизации и снижению качества жизни больных остаётся высоким⁵. Данное обстоятельство показывает огромное количество экономических потерь, связанных с вертебральными заболеваниями.

В мире проводится ряд научных исследований для достижения высокоэффективного лечения поясничного остеохондроза у лиц пожилого и старческого возраста хирургическим путем. Декомпрессивная ламинэктомия остаются единственным выбором для лечения спондилоартрозов и стенозов позвоночного канала; усовершенствуются стабилизирующие, декомпрессивно-стабилизирующие хирургические методы. Исследования по развитию хирургическую методы ламинэктомии и гемиламинэктомии, ламинотомии, декомпрессивно-пластической, сопровождающиеся при удалении грыжи диска, приводят к достижению простоты, инвазивности и эффективности лечения при выполнении таких операций. При проведении операций резекция суставного отростка; проводятся исследования по установлению аутодермы и подвижного эндопротеза место удаленного диска. Разрабатываются методы использования методы использования металлоимплантатов, кейджей и кусочков костей в качестве трансплантата методов задней и передней фораминотомии. Следовательно, при оценке объема и характера патологических изменений позвонка, определение основной причины болевого синдрома, а также противоречия в рассуждениях авторов при выборе оптимального метода хирургического вмешательства по-прежнему подчеркивают актуальность проблемы.

В нашей стране проводятся исследования по применению методов декомпрессирующей ламинэктомии, гемиламинэктомии, интерламинарной дискэктомии, транспендикулярной фиксации; по усовершенствованию методов лавсанопластики, вертебропластики при хирургическом лечении остеохондроза поясничных позвонков у пожилого и старческого возраста. Сегодня в нашей стране ведется активная работа по социальной поддержке населения и совершенствованию системы здравоохранения. В стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годы поставлены задачи по «обеспечению

⁴ Щербакова Е.М. Старение населения и устойчивое развитие / Демоскоп Weekly, 2016.- № 709-710. <http://demoscope.ru/weekly/2016/0709/barometer709.pdf>

⁵ Симонович А.Е., Козлов Д.М. Дегенеративно-дистрофические поражения поясничного отдела позвоночника и их хирургическое лечение у лиц пожилого и старческого возраста // Хирургия позвоночника, 2006.- №3.-С.52-58.

обязательных социальных гарантий населению, усиление социальной защиты уязвимых слоев населения и государственной поддержки пожилым и лицам с ограниченными возможностями, улучшение социального обслуживания»⁶. В связи с этим важно повысить качество лечения, уменьшить количество осложнений и улучшить здоровье пациентов за счет улучшения качества медицинской помощи, ранней диагностики и совершенствования новых методов хирургического лечения пожилых людей.

Это диссертационное исследование в значительной степени послужит выполнению задач в указе Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан; ПП-3052 от 2017 года 12 июня «О мерах по дальнейшего усовершенствованию органов здравоохранения» и ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему усовершенствованию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

